

ТОЖИР ЖОЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмириларининг газетаси

№30
(65822)
8 ноябрь,
1994 йил
СЕШАНБА
Сотувда эркин
нархада.

Мададкорлар

БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БОР
Куни кечадан Намантан вилояти ҳам пешқадамлар қаторида давлатта пахта топшириш режасини шараф билан улдалади. Пахтакор ота-оналаримиз, ака-опаларимизнинг қувончи чексиз. Уюлган осмонупар оқ олтин хирмонидаги бизнинг ҳам озми-кўпми улушмиз борлигидан хурсандмиз. Мактабимизнинг юқори синф ўқувчлари дам олиш кунларида ўз ўринларини далада билиб, устоzlаримиз Мирзасоли Ахоров ва Баҳодир Буташев бошчилигида "Тигант" жамоа хўжалиги пахтазорларида меҳнат килмоқдалар. Ўқишда илгор кизлар Д. Нажимова, Г. Норкўзиева, Д. Нуриддинова, Д. Имомова кунига 20-35 килограммдан пахта териб, далада ҳам бошқаларга намуна бўлишмоқда.

М. ТОШПЎЛАТОВА,
Намантан вилояти, Задарё туманидаги
"Тигант" жамоа хўжалиги.

БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БОР

ЭСОР Ҷаҳон китоб инкестсе

ЭНДИ ОЛОВ ЁНМАЙДИ

Ўйимизнинг ёнида каттагина савдо маркази бор. Хар куни кечкурун, баъзан кундуз кунларида ҳам дўконнинг фаррошлари каттакатта қозоз картонлари, ўрам-ўрам кераксиз қозозларни олиб чиқиб, ёқиб юборишади. Ёниб ётган олов атрофидан ўралашиб кетмаётган болалардан безовта бўлган отаоналар эса бундай исроғарчиликка ачиниб, ўзаро фаррошларни мұхокама қилиб қўйишиди. Бир-икки марта уларнинг ўзларига ҳам бу гапларни айтиб кўришиди.

— Биз нима ҳам қила олар эдик? Каерга олиб борамиз уларни? Йигаверсак ҳеч каерга сигмай

Тежамкорлик

қолади-ку. Ёкишдан бошқа иложимиз йўқ, — деб елка қисишиди улар. Аммо бунинг иложи топилди. Ўтган ҳафтада шаҳарнинг ҳар бир туманида қозоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктлари очилганлиги ҳакида газеталардан ўқиб қолдик. Синфдош болалар билан ана шу дўкондан чиқётган қозоз чиқиндиларини йигиб, қабул пунктларига топширишга қарор қилдик. Шундай қилиб энди савдо маркази олдида ёнаётган оловни кўрмайсиз.

С. ТУРДИАЛИЕВ,
Тошкент шаҳридаги
Сирғали тумани, 4-мавзе.

Туроб НИЁЗ

ОЛТИН КУЗ

Шоирлар фаслидир асли олтин куз, Илҳомнинг булури жўшади унда. Шеърга айланади дилингдаги сўз, Ташбеҳлар туғилар ўнлаб кўнгилда.

Пахтакор фаслидир асли олтин куз, Саҳардан шомгача кулар чаноқлар.

Хосил чўғин кўриб ёришади юз, Ҳисобига етмас оддий саноқлар.

Тўкинчилик фасли асли олтин куз, Кўкка бўй чўзади соңсиз хирмонлар. Қаёққа қарама қамашади кўз, Бор бўлса дилингдан кетар армонлар.

Билимга чаноқлар фасли олтин куз, Онадай мактабнинг қучоги тўлар. Бугун алифбони ўқиётган қиз, Эртага Ватанинг эгаси бўлар.

Эзгулик фаслидир асли олтин куз, Ҳаётга, заминга меҳринг ортади... Кузнинг умр кузи келмасин ҳаргиз, Қиши уни бағрига зотан тортади.

Р.АЛЬБЕКОВ туширган сурат-лавҳа.

ДИККАТ!
ДИККАТ!
ДИККАТ!

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан 18 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги Нафис санъат лицейида республика ижодкор-ўқувчиларнинг "Ўзбекистонимни куйлайман" мушоираси бўлиб ўтади. 4-саҳифада ушбу мушоирада иштирок этадиган бир гурӯҳ ёш ижодкорларнинг шеърларидан намуналар ўқийсиз.

Синфдош болаларнинг орасида Турсунбойнинг бўйи ҳамманикidan паст, гавдаси ҳам кичикроқ эди. Оиласда тўртта қиздан кейин түғилганлиги учун шундай исм қўйилганлигидан, жуссасининг кичикилигидан ўзининг ҳам кўнгли тўлмас, доим

олишарди...

Яқинда Турсунбойнинг синф раҳбаридан мактуб олдик. "Синфимиз ҳаётida тўғрилаб бўлмас ҳодиса юз берди, — деб ёзганди у. — Одатдаги мактаб ҳаётига шўнгигиб кетиб, ҳар битта боланинг қобилияти, феъли,

тўп бола йигилиб олганди. Ўтган кетганилар, узоқдан кўзи тушган муаллимлар болаларни танаффусга чиқсан деб ҳисоблашар эди. Улар тўплланган жойда эса ўзгача "танаффус".

— Ҳа, осмондан тушдингни, катта кетапсанми, сени "Кич-

воқеа кўз олдидан кетмасди... Биринчи соат алгебра эди. Турсунбой синфга кирдию, папкасини жойига қўйиб, дераза ромини очишга ҳаракат қила бошлади. Нодир — синфнинг "шефи". Индамасдан келиб Турсунбойнинг папкасини очдида, алгебра дафтарини олиб, уй вазифасини кўчира бошлади. Нодирнинг қилиги Турсунбойга ёқмасда, у индамади. Аммо дарс маҳали ўқитувчи уй вазифасини текшираётганда Нодирнинг хатти-ҳаракати уни қуюшондан чиқариб юборди. Муаллим уйга берилган мисолларнинг ечими кўпчиликда бир хил эканлигини, ким-кимдан кўчирганини сўраб қолди. Нодир эса тап тортмай туриб: "Мен ўзим ечдим. Бошқалар танаффусда дафтаримдан кўчиришибди", деди. Турсунбой чидаб тура олмади. Югурб келиб, Нодирнинг кулоқ чаккасига тушириб қолди...

БОЛАДА ҲАМ АСАБ БОР...

Бироз четда юрар, болалар гавжум жойга яқинлашмас, уларнинг баҳс-мунозараларига кўпда қатнашмасди. Шунинг учун ҳам синфнинг "зўравонлари" унга "Кичкина" деб лақаб қўйишганди. Турсунбойнинг исми деярли тилга олинмас ва болалар "Кичкина" деган сўзни доим киноя билан айтишарди.

Аммо "Кичкина" уларнинг ҳаммасидан яхши ўқирди. Аксарият ундан ўзини кучлироқ ҳисоблаган болалар дафтарини сўрамай олишар ва уйга берилган вазифани тап тортмай кўчириб

қалбига алоҳида ёндошиш кераклигини унунтиб қояпмиз, шекилли. Бу хатолик мендан ҳам ўтди. Ўқувчимнинг — илмга чаноқ, билими кучли боланинг дилидан нималар кечакётганини сезмабман. Ваҳоланки, у табиат ато этган жисмидан уялиш, қимтиниш ҳиссидан безовта экан...

Уша куни совуқ эди. Ноёнинг ойининг этини жунжиктирувчи ҳавоси сабаби болалар мактаб биносидан ташқарига чиқишини исташмас, ҳовли бўшгина эди. Аммо боғ олди майдонида бир

кина", дейдилар. Шунга қараб иш тутишинг керак.

— Гандан четга чиқма. Бизнинг айтганимиз айтган. Биз нима десак шуни бажарасан.

— Муаллимларга чақар экансан, ўзингдан кўр.

Бу каби гап-сўзларни ўша боғ майдонига йигилганлардан бошқа ҳеч ким эштимади. Шунинг учунми "зўравонлар" ҳаддидан ошишди. "Кичкина" — Турсунбой аламини ичига ютди. Кекирдагини чўзайтган синфдошларининг ўзларига тикилар экан куни-кеча бўлиб ўтган

(Давоми 2-бетда).

... Агар чиндан ҳам Насридин Афанди барҳаёт бўлса, Оқдарё туманидаги Пилол деган қишлоқга бир келиб кетсин. Чунки бу ерда у киши энг аскотадиган нарсани — тинчимас, мой эмас иш қуроли — Эшагини қандай парваришиш кераклигини ўрганини кетиши тайин. Йўлни билган одамга Пилолни топиш унча қийинмас: шундоқ Бухоро-Самарқанд бетон йўлининг Оқдарё маркази саналмиш Лойиш шаҳарчасига етар остонасида ўнг тарафга кирган кўча бор. Афанди мана шу жойгача келсалар-да, уловига дам бериб, йўл ёқасидаги кўчатзорга бир назар солсалар бўлгани — устозини учратишли аниқ.

... Ана ўнг томондаги боғ оралаб юрган бола — биз Сизга таништирмоқчи бўлаётган Хуршид САЙДАМИНОВ бўлади. У олд кўчати энди мевага кирган янги боққа экилган помидорзорни тозалаяти. Тўғри, Хуршидjon бу ерга помидор излаб келгани ўйк. У яқингинада мана шу йўл ёқалаб эшагини ўйнатиб ўтиб кеттанида аравачада қалашган яшикларда қип-қизил, ола бўзарган помидорларни Янгиқўргон бозорига олиб борганди. Бозори чакки бўлмади. Икки соатга қолар-қолмай олиб борган

учун айтмагани шундоққина унинг овозидан сезилиб турарди. У бор гапни айтди-қўйди...

Гапни сұхбатдошимизнинг ўзига бурдим:

— Хуршидjon, бу дейман, оёққа ўроқ тегиб кетдими, сал оқсаяпсиз..

Бола кастюми устидан чирмаб боғланган арқонга кафтларини тираф, қаддини гоз тути:

— Ишлатишни билмасак, қўлга ўроқ ушлармидик! Оқсаганимнинг сабаби — ишлар камайиб, оёқ чигал бўлганидан, — деди у чақнаб:

— Оббо, Сиз-еъ! Шунаقا денг... Мана, соат энди тўққиз бўляпти. Аzonдан шунча ишни бажариб қўйибсизу, бу ишламаганингизми!

— Бозор қилиш, ўтин йигит ҳам ишми?! Бир ой олдин кўрганингизда — ана унда йигитласига меҳнат қиласидик. Эрталаб соат тўрт-тўрт яримда тўрғай чулдирайди — уйқудан уйғонамиз. Қушчанинг сайрашини бироз мазза қиласиб эшитиб ётамиз-да, кейин акам, опам ўрнимиздан туриб ота-оналаримиз ёнига кирамиз. Улар аллақачон қўй-молларга ем ташлаб бўлған бўлишиади. Биз ҳайвонларга сув ташишдан бошлаймиз ишни.

бормиди? — деди у ногоҳ.

— Мен қўшлогингиздаги ёш фермерлар билан танишмоқчидим, — дедим мақсадга кўчиб. — Шунга му-юлишда машина кутаётгандим...

— Шунақа демайсизми?! Унда машина кутиб овора бўлмаёт. Биринчидан, бу ёкларда техника кам. Иккичидан, қишлоғимиз унча узоқмас. Мен билан юра қолинг. Манави беминнат таксимиздан қўймасин.

Помидорпоя ўтиларни аравага ортишда Хуршиджонга кўмаклашдим. Биз анча дўстлашиб қолдик энди. У "Оқ кулоқ"ка, мен аравага кўндик. Хуршидjon ўтириши биланоқ эшак жонивор матори ўт олдирилган машинадай, йўқ — трактордай қишлоқ томонга юриб кетди.

— Хуршидjon, боя оёғингизни нимадан оқсаб қолди дедингиз?

— "Ётоқ" касалига чалиндинмикан дейман. Жайронимиз шунақа бўлган. Мен хўжалик ишларининг ярмини бўлсаем Жайрон отимизга ортайлик, дейман. Маъмуржон акам бунга

Ишлар қалай, ёш фермер?

ўқишига кетишади. Энди хўжалигимизда айрим ишларни техника бажаряти. Бултур дадам трактор сотиб олгани Тошкентга бориб, қуруқ қайти: трактор сотилмади. Олиб борган пулига "Фермер" деган электр машина олиб қайти. Унда уч-тўрт хил иш бажарса бўлади. Орган пулига бир-иккита "Инкубатор" олиб келган экан, электр токимис яхши ишламагани учун уни жамоа хўжалиги фермасига ўрнатдик. Шунга ишимиз унча юришмади. Етти гектар еримиз бор. Унга беда, макка, картошка, помидор экамиз. Уларни экишдан силосга бостиришгача ҳаммасини қўлда бажаряпмиз. Худо хоҳласа, бу йил трактор олсан керак...

— Үрни борми? — дедим худди бу оғир меҳнатларга ўзим ҳам шерикдай.

— Туманимиз ҳокими Назар ака Ахмедов ваъда берилтилар. Раисимиз кўнса, қишлоғимиздаги тракторнинг биттасини бизга сотишаркан!

Шу пайт Хуршиджонларнинг хўжалиги ҳақидаги айрим маълумотлар билан қизиқдим: "Орзу" фермер хўжалиги бундан уч йил олдин тузилган экан. Унда ҳали Хуршидjon айтган ҳамма туёклару паррандагача бор экан. Хўжалик раҳбари — Хуршиджоннинг дадаси ишлаб юрган экану "Орзу"нинг орзусида тўла хўжалик-жисмоний ишига ўтибди. Онаси Ҳаловатхон опа ҳам муалима экан. Опаннинг асосий вазифаси — мактабдаги машгуллардан қайтгач, оиласиди. Ва, албатта, газета-журналлар, турли илмий ва бадиий адабиётларни ўқиб, болалари кечқурунлари қўшимча сабоқ бериш экан. "Орзу" хўжалиги йилда давлатга беш тонна сут, бир минг иккююз кило гўшт топшириш мажбуриятини олган. Режа ўтган ўн ойдайдек уddyаланиби. Яна, қўшимча картошка, помидор каби маҳсулотлар етказиб берибди. Бултур жамоа хўжалиги болалар боғчасига бир ярим тонна картошкани текин совға қилишибди.

Натижалар, режалар, хўжалик олдидаги муаммоларни ўн беш ёшли Хуршидjon худди катта одамлардай аниқ, лўнда қилиб гапириб берарди. Унинг ҳар бир сўзи ишонч билан, юрдан чиқаётганин туйиб, бу бола "Орзу" хўжалигининг дастёри эмаслигига, уни дадил бошқараётган раҳбар эканлигига ишондим.

Ана, мой сўрамас "трактор"имиз катта йўл ёқасидаги хонадонлардан бирига бурилди. Билдим: дарвазахона атрофида тоғдек-тоғдек силос ғарамлари. Уэён айвон устунларида бўлса, ўнтача бузоқчалар боғлоқлик. Уларнинг ҳаммаси бир хил рангда, баравар ёшда. Ичкари ҳовлида бизни "го-го" лаб ғозлар, ўрдаклар қарши олишди. Нарироқда ўзини офтобга солиб ўтган Тарзан билан Қоплон бошларини бир кўтаришди-ю, засини кўриб яна қўзларини юмишибди. Шунча паррандаю ҳайвон ёйилиб юрганига қарамай, ҳовли саранжом-саришта эди. Тўрдаги сўрида хушрўйгина кампир чаккидан курут думолоқлаяпти. Хуршидjon шу ерда ҳамма нарсани унутиб, кампир ёнига ошиқди.

— Ассалому алайкум, бувижон! Яхши ётиб турдингизми?

Бувижон билан саломлашиб бўлгач, Хуршидjon менга ўтирилди:

— Бу киши бувижонимиз бўладилар. Невара, эвараларга жуда бой. Отажонимиз бўлса — тўқсон иккига кирганлар.

Хуршидjon боболари ҳақидаги гапини тутатмасиданоқ яшил автомобиль томон юрди. Машинанинг орқа ойнасидан битта жуда чироили қўшча жовдираб биз томонга қараб турар эди: ўзи пўлпоқини, қўзлари қўйғир. Тумшуғининг тўғрисида бошида тожи бор.

— Бувижон, бу қанақа күш! Ким олиб келди? — сўради Хуршид жавобни.

Бувидан олдин пилдираб юрган қизча жавоб қайтарди:

— Бу — тўрғай! Уни дадам бедапоядан тутиб олибди! Энди ҳар куни эрталаб ўйнимизда тўрғай сайрайди! — деди у бижиллаб.

Ҳа, бу серфайз, аҳил ва меҳнаткаш оила аъзоларининг тонглари энди янада эрта, янада хушбахт отишига ишонгимиз келади...

Музаффар ПИРМАТОВ,
"Тонг жадузи"нинг маҳсус мухбири.



Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги "Орзу" фермер хўжалигидан бир лавҳа

юз кило помидорининг тўқсондан ортигини юз сўмга пуллади. Инжиқ харидорлардан қайтганлари бўлса, ана, муюлишга қантариб қўйилган аравасиди турди. Хуршид уларни уйга қайтариб бориб тузлаб қўймокчи: қишида аскотади. Бозордан қайтишида куруқ кетмай деб мана шу чорраҳага келганда ҳар кунгидек тўхтади. "Оқ қулоти"ни йўл четидаги ўтлоқга бойлади-да, ўзи ҳосилини топширган помидорзорга шўнгиди. У қўлларига бўз қўлқоп кийиб олган, пояси қолган помидор тупларини завқ билан юлар, ҳар бири чангакдай-чангакдай келадиган бу кўкпояларни у ер-бу ерга ғараларди...

Бу хипчамгина, юзлари хушрўй, ҳаракатлари аниқ боланинг завқ билан ишлаётгани ўтган-кетганинг эътиборини тортарди.

— Ҳорманг, йигитча! Жуда астойдилсиз! — унга яқинлашиб гап сўрадик қизиқсими.

— Бор бўлинг, ақажон! Шу... уйга қуруқ аравани "ғилдиратим" келмаяти... Қишига пича ўтин ғамлай дедим...

— Помидор поясини эшагингиз сўядими, дейман! ...

— Ҳа, йўғ-еъ! — Сұхбатдошимизнинг кулча юзларига қизил югурди. Сўнг бироз ҳижоят бўлиб, деди: — Кечиравис, сал нотўғри гапирибман. "Ўтга" эмас, "ўтилникка" йигиштиряпман. Қуритиб қўйсак, эрта-индин печкага ўтин бўлади. Нон ёнишгандага тандирга ёқсаям яхши чўғ тушаркан...

— Сизлар тарафда... газ йўқми ҳали?

— Йўғ-да! Электр чироқларимиз ўчмай турса ҳам деймиз...

Хуршидjon бу гапларни гарчи хўрсанинброқ, ўксиниброқ айтган бўлсанда, нолиб ёки бирордан шикоят қилиш

— Ҳайвонларинг кўпми?

— Унчамас, шу ўттиз бешта мол, саккизта кўйни сугорамиш. Маъмуржон акам икковимиз ҳар бир ҳайвонга етти-саккиз сатидан сув ташишимиз. Бу орада опам Гулруҳсор товуқларга, куркаларга, фозларга дон беради. Ўрдаклар катагини очиб қўяди — улар овқатини ўзлари сидан териб ейди.

— "Бола пақир опқочяпти тапни" деган хаёл келди кўнглимга.

— Нима, Гулруҳсор зоопаркда ишлайдими? — дедим ўсмоқчилаб.

— Нимагайкан! Зоопаркка умрида жонзотларни кўрмаганлар борсин. Бизнинг зоопаркимиз ўзимиз билан. Мен Сизга айтсан, ўрдагимизнинг биттаси — зотдор. Унинг отаси — тустовуқ! Дургай!

Бола чиндан сўзлаётганига ишонч ҳосил қила бошлаб, сұхбатни бурдим:

— Ўша тустовуғингиз бошқа ўрдакларнингиздан ётсирамайдими?

— Сирайм! Ўрдаклару фозлар бирга ўнлашади. Уларни итлар ҳуркитмасин деб, Тарзан билан Қоплон қўриқлайди. Лекин бу итларим ўйда ювош бўлишгани билан, кечалари жуда сергак. Мана, бу гундан бошлаб Жайрон отимизниам кўриқчиси бўлади.

Шундай деди-ю, Хуршид ҳов наридаги арава томон юрди. Беиhtiёр эргашдим. Эшак-улови чиқариб қўйилган чуқур араванинг ичида — бир бурчакда, тўшалган эски кўрпачада қошлари устида сап-сариқ иккита холи бор кучукча искаланарди.

— Мен буни Янгиқўргон бозорида беш кило помидорга алмаштириб олдим, — деди Хуршидjon. — Овчарканинг боласи!

Хуршидjon ғурурланиб шундай де-ди-ю, бирдан жиддий тортди.

— Ака, ўзи менда бирорта ишингиз

кўнмайди. У отини тойчоқлигидан ўзи ми-ниб катта қилгани учунми — аяди.

Жайроннинг ўзиям Маъмуржон акам минса, ўйноқлади. Оёқларини худди циркдаги отларга ўхшаб ўйнатади.

Олдинги иккигина кўтариб одамларга салом беради. Бошларини лапанглатиб, ёлларини селкиллатади. Менга — унақамас. Мен минсан, пишқиради.

Тунов куни Гуласал опам минувди сал қолди олиб қочиб кетишига. Шунга уни фақат акам миняпти. Жайрон уч яшар бўлди. Аравага қўшмадик лекин. Акам уни юк отимас, улоқга ўстиряпман, дейди доим. Онам бўлса, бизни улоқга жўнатгани кўрқади. Шунга Жайрон кўпинча яйловдаги молхонамизда сигирлар ёнида яшапти. Чопмагани учунни, туёқлари увишиб қоляпти. Оқсаяпти...

Сұхбатимиз шу ерга етганда, йўлнинг чап тарафидаги кенг далада маккапоя кўринди. Унинг бир бошида иккига қиши ҳафсала билан ўроқ тортарди..

Маккапоя чети ям-яшил бедапояга туташган. Бедапоя четида бўлса, ёзги молхона. Унда талай қора моллар охурга бош сўқанди.

— Мана шу бизнинг еримиз, — деди улов тортни бораётган Хурши

Республика ижодкор-ўқувчиларнинг "Ўзбекистонимни куйлайман" мушоираси олдидан

Зоҳидоннинг хаёллари

Зоҳидоннинг хаёллари узун-узун...
Узун сочим хаёлига чирмашади.
Бугун қалбим баҳор бўлиб, баҳор бўлиб,
Қишлоғимнинг бағри билан бирлашади.

Ўсма юқи кўплар билан чопиб хандон,
Ариқлардан ялпиз излаб тополмасмиз.
Сал бўлмаса сумақ ҳам пиширолмай,
Сал бўлмаса кўк сомса ҳам ёполнаймиз.

Баҳор сенга фидо жоним, фидо жоним,
Истиқлол берганлигинг чин, рост бўлсин.
Баҳор янги Зоҳидоннинг хаёллари
Юракларга баҳор берсин, баҳор берсин.

Чорлов

Зоҳидоннинг хаёлини
Сўраб кўргин дугона.
Хаёлингни хаёлимга
Буриб кўргин дугона.



Шундай макон борлигини,
Билиб қўйгин дугона.
Ватан деган ҳис-туйгудан,
Туйиб кўргин дугона.

* * *

Қишлоғимнинг қишлиарида
Қарчигайлар қишлиди.
Одамлари қишида ҳам
Кеча-кундуз ишлайди.



Хулкар БОБОРАХИМОВА,
Риштон туманидаги 13-мактабнинг
9-синф ўқувчиси.

Шеъриятнинг илк наволари

Шеъриятнинг илк наволари
Хабар топди менинг дилимдан.
Шеъриятнинг илк садолар
Олдга чорлаб мени шу ондан,
Баҳор рангу гуллари билан
Дилга кирди баҳт, баёт бўлиб.
Бу наволар қолсайди мангу
Мехру шафқат, ҳаёт бўлиб.



Абдулла Қодирий

Қодирий бобо бу кун,
Рухингизни шод айладим.
Қодирий бобо бу кун,
Халқим бирла ёд айладим.

Бу кун сизга шеър битайин,
Пойингизга гул тутайин.
Қандай ишлар қилганингиз,
Халқим бирла ёд этайин.

Ўзбек халқининг тилидасиз,
Бу кун сиз-юртсевар бобом.
Ўзбек халқининг дилидасиз,
Бу кун сиз шоир бобом.

Умида БОҚИЕВА,
Сарисиё туманидаги 32-мактабнинг
7-синф ўқувчиси.

Камалак

Укам дейди: "Нимади у?"
Қўлни чўзиб самога.
Камалак, деб айтиб қўйиб,



Роса қолдим фавғога.
— Тезда уни олиб беринг,
Тунда пойлаб ётаман.
Жўжаларим олиб кетган,
Мушуквойни отаман.

Тун қўшиғи

Олис тун.
Омонда юлдузлар ўйнар.
Тун бўйи шивирлаб-шивирлаб,
Сеҳрли ва дилбар қўшиқлар кўйлар.



Сирли тун.
Ариқча юзида оймома сузар.
Тўлиқинлар жимирилаб-жимирилаб,
Осуда кечанинг тинчини бузар.

Маъсум тун.
Учқур хаёлларим борликини кезар.
Тунги кечинмалар, тунги ўйларим,
Гўзал истакларим оламни безар.

Сокин тун
Туннинг қўшиғига қулоқ соламан.
Сўнгра оймомани бошимга қўйиб,
Омонни қучганча ухлаб қоламан.

Отабек ҚОДИРЖОН ўғли,
Андижон вилояти,
6-гимназиянинг 6-синф ўқувчиси.

Ёш ижодкор ўқувчиларнинг машқларини ўқир эканман, кўнгил фахр түйғусига тўйинади. Улар машқларида кўйланаетган тушунчага ниҳоятда самимий ёндошадилар, идроки қандай қабулласа шундай сатрларда гавдалантиришади. "Булбул гулни қанчалик севса, имонли одам Ватанин шунчалик севмоқ керак", дейди Дилноза синглими. Бу келтирмада жўяли фикрлар бор.

"Қишлоғимнинг тушларига кириб чиқар шаҳарлар, ўнгидачи кетмон билан кириб келар баҳорлар", деб езади Хўлкар синглими. Бу энди бироз ҳазинроқ шеър, бундаироқ айтганда қишлоқдагиларнинг шаҳарга, шаҳардагиларнинг қишлоққа армони. Барибир, қаерда бўлмайлик "Межнат саодатнинг калити".

Хулласки, қўлига қалам ушлаб адабиет майдонига кириб келаетган ҳар бир ёш ижодкорга "ўз майдони"ни эгаллашини тилаб, улар машқларига саҳифамиздан ўрин берамиш.

Шакар СУННАТОВ,
"Адабиёт ва санъат" бўлими мудири.

Ёмғир ёғар

Ёмғир ёғар инжудайн,
Шамол эсар майнин-майнин.
Болажонлар йайрайдилар,
Шўх булбулдек сайрайдилар.



Болаларга қувончлидир,
Ёмғир ёғса шитир-шитир.
Анҳорчалар бўлар дарё,
Борлик чўмилгандай гўё.

Ёмғир ёғса, хурсанд ҳамма,
Кўпроқ ёғсин, дейди яна.
Ёмғирдан сўнг олам кулар,
Кут-барака мўл-кўл бўлар.

Қувноқ болалар

Дунёда кўп болалар,
Бамисоли лолалар.
Баҳт ва шодлик чечаги,
Улар юрт келажаги.

Лола НАРЗИЕВА,
Галаосиё шаҳридаги 1-мактабнинг
5-синф ўқувчиси.

Шакар

Эрталаб жажики Нодир,
Еқсан қорларни кўрди.

Газета ҳафтанинг сешайба куни чиқади

"ШАРҚ" нашриёт-матбая концерни босмахонаси.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—1241. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табок. Офсет усулида босилган. Қозоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6

Суюниб ойисига,
Суюнчига югурди.

— Ойи, ойи, ойижон,
Энди зўр бўлди бизга.
Қаранг, "шакар" ёғиби,
Осмондан ҳовлимига.

Янги йилга тилакларим

Кириб келган янги йил бизга,
Олиб келсан қувонч ва шодлик.
Янаги шу бугун кунгача,
Ҳаммамиз ҳам омон бўлайлик.

Дўстлар! Бугун янги йил куни,
Янги ҳаёт кунин бошлайлик.
Дилларни биз этайлик хушнуд,
Уборларни юваб ташлайлик.

Токи дўстлар, бу қувончимиз,
Татигулик бўлсин йилларга.
Шод ва қувноқ ўтсин кунимиз,
Соғ этайлик шундай кунларга.

Кириб келган янги йил бизга,
Олиб келсан қувонч ва шодлик.
Янаги шу бугунги кунни,
Барчамиз ҳам бирга кутайлик.



Хуршида ҲАМДАМОВА,
Бешарик туманидаги 39-мактабнинг
8-синф ўқувчиси.

Абдулла Қодирий

Ўзбекнинг ўғлони бўлиб туғилдинг,
Билмасдинг не ҳаёт сени кутарди.
Ўз элингда эвоҳ, бунча бўғилдинг,
Ҳайқирсанг овозинг кўкка етарди.

Ўзбекнинг ўзлигин танитолмасдан,
"Мехробдан чаён"лар чиқди-ку бунда,
Кумушлар бахтини очолмасидан —
Отабеклар бошига қўйдилар кунда.

Эркапарвар эдинг сен, тушунмадилар,
Ёвузлар эркинга кишан солишиди.
"Учлик"нинг олдига тушолмадилар,
Буюк издошларинг доғда қолишиди.

Ҳақиқат йўлидан чекинмадинг ҳеч,
Ул мағрут бошингни эгмадинг сира.
Миллат фожиасин ўйлаб эрта-кеч,
Кийноқларни енгдинг, қалби бокира.

Мана, орзу қилган замонинг келди,
Меросинг диллардан жой олган тамом,
Авлодлар измингдан югурди-елди,
Абадий яшайсан, Абдулла бобом!

Нафиса ТУРСУНОВА,
Кибрай туманидаги 11-мактаб
ўқувчиси.

Сен учун яшайман

Булбулда ажаб кўй бор,
Гул ишқида сайрайди.
Имони бор инсонлар,
Ватан учун яшайди.

Дилноза ШЕРМАТОВА,
Бешарик туманидаги 39-мактабнинг
7-синф ўқувчиси.

Тунги манзара

Самода юлдузлар ял-ял ёнади,
Оймомо чеҳрасин бутунлай очган.
Фоятда сеҳрли бир жилва билан,
Майсаларга шабнам маржонлар сочган.

Дараҳт япроқлари шивирлаб секин,
Неларни сўйлайди тун шамолига.
Ариқдаги сувнинг шилдир-шилдир,
Хусн қўшар шаксиз тун жамолига.

Қайлардандир келар она алласи,
Киши қалбини буткул этганича ром.
Туннинг чеҳрасига боқаман шодон,
Юракда жўшади шиддатли илҳом.

Малика МУХТОРОВА,
Шоғиркон туманидаги III. Руставели
номидаги мактабнинг 11-синф ўқувчиси.



Бош мухаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ШИРМАТОВ

Таҳрир хайъати:
Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилдора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
КЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августандаги "Ленин учкуни"
номи билан чиқа бошлаган

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-й.

Нашр кўрсаткичи: 64563